O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

# ÓZBEKISTON OVOZI

XDP
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL
14 DEKABR
SHANBA
№ 153 (27.012)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

## ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ЎНИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА

## АХБОРОТ

**12 декабрь куни Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси ўз ишини бошлади.**

**Парламент сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.**

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, республика ташкилотлари раҳбарлари, хорижий давлатлар элчилари ва дипломатик корпус вакиллари, мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари мухбирлари ҳозир бўлди.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқарди.

Олий Мажлис сессиянинг ишчи органи — Котибиятни ташкил қилди, кун тартибини тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикасининг 2003 йилги Давлат бюджети лойиҳаси тўғрисида молия вазири М.Нурмуродов маъруза қилди. Ушбу масала бўйича қўшимча маъруза учун Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Р.Каримовга сўз берилди.

Мамлакатимизнинг асосий молиявий ҳужжати муҳокамасида «Пахта банк» акционерлик тижорат банки бошқаруви раиси Қ.Тошматов, Самарқанд давлат университети ректори Р.Холмуродов, Алишер Навоий номидаги Академик опера ва балет катта театри етакчи хонандаси М.Раззоқова, Андижондаги «Маҳаллий саноат» ишлаб чиқариш-савдо акционерлик компанияси раиси М.Юсупов, «Бухородонмаҳсулот» ишлаб чиқариш-акционерлик уюшмаси раиси Б.Бозоров иштирок этди. Депутатлар Ўзбекистон Республикасининг келгуси йилги Давлат бюджетини маъқуллади ва тегишли қарор қабул қилди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги конституциявий қонунлар лойиҳаларини парламентнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов депутатлар муҳокамасига ҳавола этди.

Мазкур масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов сўзга чиқди.

Давлатимиз раҳбари «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги конституциявий қонунларнинг олий ҳокимият органларида халқ хоҳиш-иродасини янада кенгроқ таъминлаш, ҳуқуқий демократик жамият қуришда улкан аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги парламентаризм тажрибаси, Ўзбекистон халқининг қадриятлари ва менталитетини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган мазкур қонун лойиҳалари турли сиёсий кучлар ва ҳудудларнинг вакили бўлган қонун чиқарувчиларнинг энг муҳим давлат масалаларини ҳал этишдаги ролини кучайтиришга қаратилган. Президент аҳолининг турли қатламлари манфаатларини амалга оширишнинг энг мақбул механизмини яратиш, мамлакатнинг профессионал олий қонунчилик органини шакллантириш учун бўлғуси парламентнинг иккала палатаси ваколатларини аниқ белгилаш зарурлигини алоҳида қайд этди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги қонун лойиҳалари муҳокамасида Ўзбекистон Халқ-демократик партияси Қашқадарё вилояти кенгашининг биринчи котиби Ф.Омонов, Олий Мажлиснинг Матбуот ва ахборот қўмитаси раисининг ўринбосари, «Миллий тикланиш» демократик партияси раиси И.Ғафуров, Олий Мажлиснинг Регламент, одоб ва депутатлар фаолиятининг таъминоти комиссияси раиси, Хоразм вилояти хотин-қизлар қўмитаси раиси Ш.Хўжаниёзова, «В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» ДАЖ бошқаруви раиси — бош директори В.Кучеров, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари А.Болиев, Наманган давлат университети ректори Т.Файзуллаев, «Фонон» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори М.Ашуров қатнашди.

Олий Мажлис «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги конституциявий қонунлар ҳамда уларни амалга киритиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилди.

Парламент сессияси биринчи иш кунининг кечки мажлиси янги таҳрирдаги «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонун лойиҳаси, шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқиш билан бошланди. Бу ҳақда Олий Мажлиснинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси А.Турсунов ахборот берди.

Янги таҳрирдаги «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамасида Қоракўл тумани ҳокими А.Раҳмонов, Олий Мажлиснинг Ҳшлар ишлари қўмитаси котиби Н.Қамбаров, Сурхондарё вилоят кўз касалликлари шифохонаси бош шифокори Р.Муҳаммадиев иштирок этди. Депутатлар янги таҳрирдаги ушбу қонунни ва уни амалга киритиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

(Давоми 2-бетда)





## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 13 декабрь куни Оқсаройда АҚШ давлат котибининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Алан Ларсонни қабул қилди.

Ўзбекистон ва АҚШ муносабатлари жадал ривожланиб бормоқда. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик нафақат ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, балки, деярли, барча соҳаларни қамраб олган. Айниқса, Президент Ислом Каримовнинг 2002 йил март ойида Америка Қўшма Штатларига ташрифи чоғида имзоланган ҳужжатлар икки томонлама алоқаларни янада юқори босқичга кўтарди.

Бу, аввало, мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажмининг юксак суръатларда ўсаётганида ўз ифодасини топмоқда. Жумладан, 2001 йилда бу кўрсаткич 290 миллион долларга тенг бўлган эди. Жорий йилнинг ўтган ўн ойида эса ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 323 миллион доллардан ошди.

Учрашувда давлатимиз раҳбари АҚШ сиёсий доираларида Ўзбекистон билан ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилаётган катта эътиборни юксак қадрлашини таъкидлади.

А. Ларсон қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирар экан, АҚШ Марказий Осиёда ўз салоҳияти ва имкониятлари жиҳатдан етакчи ўринда турувчи Ўзбекистон билан кенг ҳамкорлик қилишдан манфаатдорлигини қайд этди.

АҚШ мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Республикамизнинг минтақадаги хавфсизликни мустаҳкамлаш борасидаги, шунингдек, халқаро террорчилик, диний экстремизм ва наркотик моддаларнинг ғайриқонуний оқимига қарши курашдаги қатъиятини юксак қадрлайди.

Оқсаройдаги суҳбат чоғида ўзаро манфаатли алоқаларни, жумладан, иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

■ **(ЎзА)**

**Суратда:** қабул пайти.

**Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат**

## ШИННИ ХОРИЖГА ЭКСПОРТ ҚИЛИНЯПТИ

Ромитан азалдан шарбатли боғлари билан машҳур. Бу йил туманда, айниқса узум мўл бўлди. Бу эса «Трансфрукт» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонасига қўл келди.

— Шинни азал-азалдан камқонлик, дармонсизликка шифо бўлиб келган, — дейди қўшма корхона раҳбари Ф.Латипов. — Шуни инобатга олиб, корхонамизда олма, узумдан шиннилар тайёрлашга киришдик. Бир жиҳатни айтай: ҳар килограмм шинида икки килограмм шакарнинг қуввати бор. 700 килограмм узум шарбати сиқиб олиниб, қайнатилса, у қиём ҳолига келади. Бундан эса 100 килограмм шинни олинади.

Ҳа, табиий усулда тайёрланадиган бу маҳсулотга халқнинг талаби катталигини ҳисобга олсак, корхона бундан фақат наф кўриши аниқ. Тайёр маҳсулот эса мамлакатимиз шаҳарларидан ташқари Россия ва Белорусияга жўнатилмоқда.

■ **Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

**ДОЛЗАРБ МАВЗУ**

## ГАЗ БОСИМИ НЕГА ПАСАЙДИ?

### ҚИШ БОШЛАНДИ-Ю КЕТМА-КЕТ ҚОР ЁҒИБ, ҚУВУРЛАРДА ГАЗ БОСИМИ ПАСАЙИБ КЕТДИ. САБАБИ НИМАДА?

### ТАЙЁРГАРЛИК «ДУРУСТ» ДЕГАНДИНГИЗ...

**Ҳар бир фаслнинг ўз гашти, ўз тароватi бор. Куни кеча ёққан қор ўлкамизга ажиб бир гўзаллик бахш этди. Чор-атроф оппоқ либосга бурканди. Одамларнинг қувончи бўлакча. Ахир қиш, қишлигини кўрсатиши керак-да. Айниқса, болакайларнинг қувончини айтмайсизми?!**

**Буларнинг бари яхши. Аммо... об-ҳавонинг кескин совиши бир талай муаммоларни ҳам юзага келтирди. Жумладан, бошқа жойларни билмадигу Сурхондарёда газ таъминоти кескин ёмонлашди. Уйлар, боғча ва касалхоналарда газ «йўқ» даражада. Бунинг сабаби нимада? Совуқ кунлар бошланмай туриб «қишга тайёргарлик дуруст» деганлар энди нима дейишяпти?**

**Биз бу ҳақда «Сурхондарёгазтаъминоти» шўъба корхонаси бошлиғи Нуриддин Абраевга мурожаат қилдик. У кишининг жавоби қуйидагича бўлди:**



— Ҳа, ростдан ҳам ҳозир вилоятда газ таъминоти яхши эмас. Чунки газ етмаяпти, биз нима ҳам қилардик. Шу боис, олаётган газни биринчи навбатда аҳолига, боғчалар, мактаблар ва касалхоналарга бераяпмиз. Газ билан ишлайдиган ошхоналару дўконлар ва бошқа хизмат кўрсатувчи объектларга вақтинча газ бериш тўхтатилмоқда.

**— Кунлар совиши билан газнинг бу даражада пасайишига сабаб нима?**

— Ҳамма гап «Ўзтрансгаз» давлат акциядорлик компанияси биз билан тузган шартномага асосан газни етарлича етказиб беролмаётганида. Масалан, Термиз шаҳри учун шартномамизга кўра, шу кеча-кундузда 12 кг. $см^2$ босим билан газ етказиб берилиши лозим эди. Ҳозирги пайтда Термизга бор-йўғи 3,8 — 4 кг. $см^2$ босим атрофида газ олаяпмиз. Демак, шартномада кўзда тутилганидан уч марта кам миқдорда. Бу биргина Термиз шаҳрида эмас, балки вилоятимизнинг бошқа туман ва шаҳарларида ҳам шу аҳвол. Олишимиз керак бўлган газнинг қарийб 60-65 фоизи берилмаяпти. Шундай бўлгач, истеъмолчиларга газ етказиб беришда муаммолар туғилиши, табиий. Биз ушбу масалада «Ўзтрансгаз» давлат акциядорлик компаниясига кетма-кет шошилинч телефонограммалар жўнатдик. Аммо жавоб қайтаришмаяпти.

**— Назаримда, ўтган қиш мавсумида газ таъминоти вилоятимизда бу йилгидек аҳволда эмас эди...**

— Ўтган қиш бу йилгидай совуқ ҳам бўлган эмас эди-да...

...Балки... Ҳарқалай, ўтган қишнинг совуғи йўқ дейдилар.

**Абдурасул ЖУМАҚУЛ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

2-БЕТ

## ДУНЁ
VOQEALAR YANGILIKLAR XABARLAR

### МУДДАТ УЗАЙТИРИЛДИ

Босния ва Герцеговинадаги тинчлик кучлари таркибида хизмат қилаётган Россия Федерацияси Қуролли кучларининг 350 нафардан иборат ҳарбийлари 2003 йил 31 июлгача яна контингент таркибида хизматни давом эттиришлари ҳақидаги фармонга Президент Владимир Путин имзо чекди, дейилади Интерфакс берган ахборотда.

Фармонда ёзилишича, тинчлик кучлари контингентининг муддати Россия Федерацияси Кенгашининг 2002 йил 25 сентябрдаги қарорига ва БМТ Хавфсизлик Кенгашининг шу йил 12 июлдаги 1423-резолюциясига асосан узайтирилди. Тинчлик кучлари харажатларини молиялаш Россия ҳукумати бўйнига юкланди.

### ХАЛҚАРО ТРИБУНАЛ ТУЗИЛИШИГА РОЗИ

Камбоджа ҳукумати ўтган асрнинг 70-йилларида қизил кхмерлар томонидан амалга оширилган геноцид (ирқий, миллий ёки диний важ билан аҳолининг бирор тоифасини қиришга қаратилган сиёсат)ни текшириш учун халқаро трибунал тузиш юзасидан БМТ билан музокара олиб боришга розилик билдирди.

Демак, шу йил февралда тўхтаб қолган музокаралар яна давом этади. Энди, БМТ Бош котиби Кофи Аннанга бу иш юзасидан музокаралар олиб бориш ҳуқуқини берувчи резолюцияни БМТ Бош Ассамблеяси яқин кунларда қабул қилади. Мамлакат ташқи ишлар вазири Хор Намнонг халқ ушбу резолюцияни кутаётганлигини билдирди.

Қизил кхмерлар етакчиси Пол Пот 1998 йили оғир касалликдан сўнг вафот этган. Лекин унинг ўнг қўли бўлган Нуон Чеа ва кхмерлар ҳукуматининг ташқи ишлар вазири лавозимида ишлаган Иенг Сарилар ҳозир ҳаёт. Reutersнинг ёзишича, 70-йилларда улар юритган сиёсат сабабли 1,7 миллион кишилик аҳоли қирилиб кетган. Уларнинг кўпчилиги қийноқлар ва очликдан нобуд бўлган.

### ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ТАРКИБИГА КИРИШ УЧУН

Венгриянинг етакчи сиёсий партиялари мамлакатнинг Европа Иттифоқи таркибига кириш-кирмаслиги борасида бир тўхтамга келдилар, дейилади Reuters ахборотида. Мамлакат парламентининг тўртта фракцияси вакиллари шу масала бўйича келгуси йил 12 апрелда умумий референдум ўтказишга қарор қилишди.

2004 йилнинг ўрталарида Венгрия Европа Иттифоқига аъзо бўлиб кириши кутилмоқда.

### ЎҚУВЧИ ҚАМОҚҚА ОЛИНДИ

Флорида мактабларидан бирида ўқийдиган 2 нафар 9 ёшли ўқувчи гиёҳвандлик моддалари савдоси билан шуғуллангани учун яқинда полиция томонидан қамоққа олинди.

Гап шундаки, улар 15 та кичик халтачалардаги марихуанани мактабга олиб келиб, ўқувчиларга сотмоқчи бўлишган. Мактаб ошхонаси ходимига ўқувчилардан бири мақтаниб марихуанани кўрсатгач, у полицияга хабар беради.

Болалардан ҳаммаси бўлиб 16 грамм марихуана топилди.

## 2003 ЙИЛ УЧУН «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИГА ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАДИНГИЗМИ?

*Ҳурматли муштарийлар, қадрли мухлислар!*

*Мана, обуна мавсуми ҳам поёнига етай деб қолди. Янги йилда газетамиз билан доимо ошно бўлишни ният қилган, долзарб мавзулардаги мақолаларни ўқишни, хориж ва юртимизда рўй бераётган янгиликлардан боха-бар бўлишни истаган дўстларимизга обунада кечикиб қолмасликни эслатмоқчимиз.*

*Биласиз, обуна ўзингиз севган нашрнинг йил — ўн икки ой хонадонингизга беминнат, беташвиш кириб боришининг кафолатидир.*

*Янги йилда сизларни қизиқтирган мавзулар, ташвишга солган, ислоҳотларга тўсиқ бўлаётган муаммоларга алоҳида эътибор беришни режалаштирганмиз. «Ўзбекистон овози»га обуна бўлсангиз сира янглишмайсиз. Обуна баҳоси бошқа нашрларникига қараганда анча арзонлигига ҳам эътибор беринг, бу ҳам Сизнинг манфаатингизни ўйлаб қилинган тадбир!*

***НАШР ИНДЕКСИ — 220***



# ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ЎНИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА

# АХБОРОТ





*(Давоми. Боши 1-бетда)*

«Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамасида «Андижон нашриёти» очиқ турдаги акционерлик жамияти бошқаруви раиси Ҳ.Нўъмонов, «Новатор» ишлаб чиқариш бирлашмаси директорлар кенгаши раиси А.Матвеев, Хатирчи туманидаги А.Икромов номидаги ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Э.Қаҳҳоров, Ғузор тумани ҳокими Х.Бозоров, Ўзбекистон туманидаги 30-мактаб директори М.Анварова сўзга чиқди. Олий Мажлис қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади.

Парламентнинг Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси Ў.Ҳошимов депутатлар эътиборига «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ҳавола этди. Мазкур ҳужжат муҳокамасида Ўзбекистон жаҳон тиллари университети проректори Г.Боқиева, Хива тумани ҳокими М.Мадаминов, Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Ў.Охунов, «Тафаккур» журнали бош муҳаррири Э.Аъзамов иштирок этди. Олий Мажлис ушбу қонунни ва уни амалга киритиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

Шундан сўнг Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Р.Каримов «Давлат статистикаси тўғрисида»ги қонун лойиҳаси юзасидан маъруза қилди. Мазкур ҳужжат юзасидан Паркент тумани ҳокими М.Кўччиев, «Бухоротурист» акционерлик жамияти раиси М.Зокиров, Қамаши тумани марказий шифохонаси бош шифокори А.Ғофуров ўз фикрларини билдирди. Депутатлар ушбу қонунни ва уни амалга киритиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

✧✧✧

13 декабрь куни Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси ўз ишини давом эттирди.

Парламент сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқарди.

Сессиянинг иккинчи куни янги таҳрирдаги «Банкротлик тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқиш билан бошланди. Уни депутатлар эътиборига Олий Мажлиснинг Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорлик масалалари қўмитаси раиси М.Умаралиев ҳавола этди.

Ушбу қонун лойиҳаси бўйича Сариосиё тумани ҳокими П.Мадиев, «Хоразм шакар» очиқ турдаги акционерлик жамияти директори Қ.Хўжамуродов, «Наманганмевасабзавот» вилоят ҳудудий бирлашмаси раиси Н.Қурбонбоев, «Комплекс тематик экспедиция» очиқ турдаги акционерлик жамияти бошқаруви раиси Т.Бобожонов, «Бухоросувқурилиш» акционерлик жамияти раисининг биринчи ўринбосари Э.Ҳайдаров ўз фикрларини билдирди. Парламент янги таҳрирдаги «Банкротлик тўғрисида»ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади.

Янги таҳрирдаги «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини Олий Мажлиснинг Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси Қ.Жумабеков тақдим этди. Қонун лойиҳаси муҳокамасида «Қизилқумнодирметаллолтин» давлат концерни раиси Н.Кучерский, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректори Т.Долимов, «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очиқ турдаги акционерлик жамияти бош директори Г.Прохоренко иштирок этди.

Мазкур қонун лойиҳаси муҳокамаси чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов конларни саноат йўли билан ўзлаштиришда қўшимча нодир металларни мумкин қадар тўлиқ қазиб олиш зарурлигини таъкидлади. Нодир металлардан халқимизнинг бугунги ва келгуси авлодлари фаровонлиги учун самарали фойдаланиш мақсадида уларни ишлаб чиқишнинг узоқ муддатли дастури зарур. Президент, шунингдек, нодир металларни саноат йўли билан ўзлаштириш учун мамлакатимизда ўз базамизни ташкил этиш, ушбу соҳага хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун энг қулай шароитлар яратиш, табиий бойликлардан тежаб-тергаб фойдаланиш лозимлигини таъкидлади.

Олий Мажлис янги таҳрирдаги «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Қонунни қабул қилди.

Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Р.Каримов «Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадини декларациялаш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси бўйича ахборот берди. Ушбу масала юзасидан Пахтачи тумани ҳокими Э.Умматов, Термиз шаҳридаги 2-ўрта мактаб директори Р.Каттаева, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази Хоразм вилояти бўлими раҳбари Г.Ибодуллаева ўз фикрини билдирди.

Мазкур масала муҳокамаси чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадини декларациялаш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини даромадлар устидан қўшимча назорат ўрнатувчи ҳужжат сифатида баҳоламаслик зарурлигини алоҳида қайд этди. Барча тараққий этган мамлакатларда фуқароларнинг даромадларини декларация қилиш тартиби мавжуд. Президент бу масаланинг ғоят муҳим аҳамиятга эга эканини инобатга олиб, лойиҳани кейинги ўқишда кўриб чиқиш учун қайта ишлаш давомида аҳолининг барча қатламлари фикрини ҳамда халқимизнинг менталитетини ҳисобга олиш лозимлигини таъкидлади.

Парламент қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади.

Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири лойиҳаси юзасидан маъруза қилди. Олий Мажлиснинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси котиби Ш.Умарова, Ургут тумани ҳокими Х.Нуруллаев, Муҳиддин Қориёқубов номидаги академик ва халқ-бадиий жамоалар дирекцияси директори Ў.Саиджоновнинг чиқишларидан сўнг Олий Мажлис янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунни қабул қилди.

Олий Мажлиснинг қўмита ва комиссиялари номидан парламентнинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси М.Сафаева «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини сессия муҳокамасига тақдим этди. Депутатлар мазкур ҳужжатни қабул қилди.



Парламент иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг ўнинчи сессияси Котибияти раҳбари Т.Қўзиевнинг фуқароларнинг сессия давомида келиб тушган мурожаатлари ҳақидаги ахборотини тинглади.

Олий Мажлис Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Америка Қўшма Штатлари Ҳукумати ўртасидаги шахсларни Халқаро жиноий судга топширишга доир битимни, Ўзбекистон Республикаси ва Литва Республикаси ўртасидаги давлатлараро муносабатларнинг асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани, Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасидаги Ўзбекистон — Қозоғистон давлат чегараси тўғрисидаги шартномани, Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасидаги Ўзбекистон — Қозоғистон давлат чегарасининг айрим участкалари тўғрисидаги шартномани ратификация қилди.

Сессия Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим Фармонлари ва Олий Мажлис Кенгашининг қарорларини тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари А.Ишметовнинг тақдимотига кўра депутатлар Ф.Абдуазимовни Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси этиб сайлади.

Шу билан иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси ўз ишини якунлади.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН КУЧЛИ ЖАМИЯТ САРИ

# СУДДА АДОЛАТ УСТУВОР БЎЛСА...

**Суд — ҳокимиятнинг учинчи тармоғидир... Мамлакатимизда суд тизимини тубдан ислоҳ этиш юзасидан кўп ишлар қилинди. Лекин бу соҳада ва айниқса, кишиларнинг онгини ва уларнинг суд ҳокимиятига нисбатан муносабатини ўзгартириш борасида яна кўп ишларни бажаришимиз лозим.**

**Ислом КАРИМОВ**

Ҳуқуқий демократик давлат албатта, ҳокимиятлар тақсимланиши тамойили асосида шаклланади. Бу борада буюк француз тарихчиси ва файласуфи Шарл Монтеське «Бир-бирига тобе бўлмаган учта — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти мавжуд бўлиши керак» деган хулосага келган эди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, собиқ суд тизимини янгилаш, уни мустабид тузум давридаги бюрократиянинг қатағончилик қуролидан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳокимиятига айлантириш биринчи навбатдаги вазифа бўлиб қолди. Бу борада Президентимизнинг «Халқ судни фақат одамларни қоралайдиган, жазолайдиган орган, деб эмас, аксинча, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қиладиган орган, деб билиши керак. Бу ўта муҳим. Яна қайтараман, одамлар суд органларини ўзларининг ҳимоячиси, адолат посбони деб билиши керак», деган йўл-йўриқлари асосий дастуриламал бўлди.

Энди бу ишончни тўла-тўкис оқламоқ керак. Бунинг учун судлар қонундан оғишмай, фуқаролар манфаатларини муҳофаза қилиб, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаб, аввало, халқнинг ишончини қозонишлари зарур бўлади. Аниқроғи, ҳукм чиқарувчи судлар ўзларининг чинакам мустақиллигига эришмоғи керак. Шундай бўляпти ҳам... Зотан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Конституциянинг асосий тамойили, унинг кафолати эса суд ҳокимияти зиммасидадир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасида ҳар бир шахс ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар ҳамда жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари хусусида судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга... Бу билан «Судлар фақатгина адолатни юзага чиқаради», десак унчалик тўғри бўлмас. Масаланинг бу жиҳатига хос ҳолатлар ер куррасининг бошқа жойларида ҳам мавжуд. Шунинг учун бизнинг мамлакатимизда бу борада жуда кўп ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Шунинг учун ҳам бу тизим олдига ҳозирги кунда катта-катта вазифалар қўйилган...

Энг муҳим ислоҳотлардан бири — умумий юрисдикцияли судларнинг фуқаролик ҳамда жиноят ишларини кўриб чиқадиган судларга ажратилиши — одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси кафолатини кучайтирди. Чунки авваллари фуқаролик ишлари ҳам, жиноят ишлари ҳам битта судда кўриларди. Бу эса фуқароларнинг ариза ва шикоятларини ўз вақтида кўрилмасдан қолишига сабаб бўларди. Нега деганда битта судда икки хил ишнинг кўрилиши — фуқароларнинг ҳам, судьяларнинг ҳам сансалорлигига сабаб бўларди. Одил судловнинг амалга оширилиши сифати — суд ишларини ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш — қарорларнинг адолатли бўлишини, энг асосийси, фуқароларнинг ҳуқуқий эркинликларини юзага чиқаради...

Дарвоқе, суд ишларида фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинликларини ҳимоялаш фақат биринчи инстанцияда эмас, балки қайта кўриш ва назорат инстанция судларида ҳам ҳимоя қилинарди. Бу борада процессуал қонунчиликдаги ишлар апелляция тартибида кўрилиши жорий қилинди. Буни эса процессуал қонунчиликдаги туб бурилиш, десак муболаға бўлмайди. Чунки апелляция тартибида иш юритишнинг мақсад ва вазифалари инсон манфаатларини ҳар томонлама муҳофаза этишга қаратилган-да.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясида суд-ҳуқуқ ислоҳотларини янада такомиллаштиришга жиддий эътибор қаратилган эди. Сессияда суд ишлари қоидаларини соддалаштириш, жиноят ишлари кўриб чиқилишига доир қўшимчалар киритилди. Тараққиёт талаби шу, ҳаётнинг ўзи шуни тақозо этяпти. Зотан, одамларнинг тақдири билан боғлиқ бўлган жиддий масалалар ечимини топиш — мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳотларнинг бош мезони ҳисобланади. Бундан ташқари, бу миллий истиқлолимизнинг мафкуравий тамойилларига мансуб масалалардан биридир.

Суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, жиноят қонунчилигини инсонпарварлик, адолатпарварлик, ҳуқуқий фуқаролик жинояти тамойилларига мос равишда либераллаштириш масалалари — суд-ҳуқуқ ислоҳотининг бошланғич нуқтаси ҳисобланади.

Бундан ташқари, қонунчилик ташаббуси тартибида тақдим қилинган — жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг «Жиноят кодекси», «Жиноят процессуал кодекси» ҳамда «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонуннинг қабул қилиниши — Конституциямизнинг қатор ҳуқуқий меъёрларини тартибга солди. Жумладан, яшаш — ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш — энг оғир жиноят эканлиги, вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидалиги, хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида эканлиги каби қоидаларни янада мустаҳкамлади. Бунга яна талай мисоллар келтириш мумкин...

Хуллас, ҳуқуқий давлатнинг мустаҳкамланиб бориши, суд ислоҳотини чуқурлаштиришни, одил судлов тизимини эркинлаштиришни тақозо этади. Негаки, суд ислоҳотида эришилган ютуқларнинг мустаҳкамланиши — фуқароларнинг ҳуқуқий эркинликларини ҳимоя қилади, қонуний кафолатлайди. Судларнинг фақатгина қонунга бўйсунишлари эса адолат барқарорлигини таъминлайди.

■ **Зулхумор ҚОРАБОЕВА, Ўзбекистон Миллий университетининг ҳуқуқшунослик факультети ўқитувчиси**

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

# ГАЗ БОСИМИ НЕГА ПАСАЙДИ?

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Шу кунларда газ пасайиб кетаётганлигидан шикоят қилиб ёзилган хатлар бошқа вилоятлардан ҳам келаяпти, қўнғироқлар бўлаяпти. Бу ҳол сабабларидан газетхонларимизни хабардор этиш мақсадида **«Ўзтрансгаз» акциядорлик компаниясига** қўнғироқ қилдик:

**Қиш-қировли кунлар бошланиши билан аҳоли уй-жойларида газ босими пасайиб кетишининг сабаби нимада? Шарҳлаб бера оласизми?**

## АЙТСАНГИЗ АЙТАВЕРИНГ...

— ...Директор йўқ, бетоб. Саволингизга жавобни матбуот хизматидан оласиз... — жавоб қилди бош директор ёрдамчиси Равшан Усмонов.

— Биз ҳам олдин у ердан сўрадик, — тушунтиришга уриниб кўрдик. — Бироқ, уларда бу ҳақда ҳеч қандай маълумот йўқ экан...

— Билмадим... Айтдимку, директор йўқ. Бетоб, матбуот хизматидан олинг, вассалом... Бизда журналистлар билан фақат улар шуғулланади, раҳбарият қабул қилолмайди...

Ноилож яна матбуот хизматига қўнғироқ қилдик.

— Тўғриси бош директор янги, бир бориб ўзим ҳам киролмадим. Банд экан. Иши ҳам кўпдир... Лекин афсуски сиз сўраган маълумот менда йўқ.

Яна бош директор қабулхонасига қўнғироқ қилишга мажбур бўлдик.

Телефон гўшагини яна ёрдамчи кўтарди.

— Директор бетоб дедимку. Матбуот хизмати...

— Ўринбосарлари бордир?

— «Совещание» ўтказаяпти, банд...

— Оғайни, бизнинг мақсадимиз танқид қилиш эмас, газетхонларнинг «қишда газ босими нега пасайиб кетаяпти?» деган сўровига бир-икки оғиз шарҳ олсак, бўлгани. Лоақал, телефонда айтилса ҳам ёзиб олардик. «Ўзтрансгаз» компаниясидан жавоб ололмадик деб ўқувчиларга айтиш қандай бўларкин?

— Айтаверинг...

Тўғриси, катта, нуфузли идора раҳбари ёрдамчисининг бу гапи, аниқроғи, матбуотга муносабати бизни ҳайратга солди. Бу йигит матбуот нималигини, ҳатто ўзи қандай вазифада ўтирганини ҳам унчалик фаҳмламайди шекилли...

Ёрдамчининг гаплари оҳангидан директор хонасида йўқлиги бизда бироз шубҳа ҳам уйғотди. Таҳририят раҳбарияти хонасидан ҳукумат телефони орқали боғланишга қарор қилдик.

Қарангки, бош директор **Иркин Хазиевич Вагапов** ўз иш жойида экан. У кишига бўлиб ўтган «гап-сўз»ларни эслатиб ўтирмадигу, муддаога кўчдик.

— Бизда айб йўқ, — гап бошлади у. — Ҳудудлар ҳатто керагидан ортиқча газ олишяпти. Тақсимотига **«Бошкоммунгаз»** давлат корхонаси масъул. Вилоятларда истеъмолчилар ва саноат корхоналари «Ўзтрансгаз» қувурлари орқали етказиб берилаётган газни тежам билан ишлатишмаяпти... Газдан қонунсиз фойдаланиш ва ўғирлаш ҳолатлари кўп. Иссиқхоналар ва сохта «тадбиркор»лар қонунга хилоф равишда фойдаланаётгани устидан ҳеч ким назорат қилмаётир...

## ТУШУНГАННИНГ САДАҒАСИ КЕТСАНГ...

Иркин Хазиевич «газ тақсимотига «Бошкоммунгаз» давлат корхонаси масъул» деганлари учун у ерга боришимизга тўғри келди. Корхона бош директорининг ўринбосарлари Маъруф Баҳриддинов ва Абдубаҳром Вакилов (оталарига раҳмат!) тушунган одамлар экан. Фуқароларнинг шикоятларини ҳам, бизнинг мақсадимизни дарҳол тўғри фаҳмлашди...

— Мамлакат бўйича жами 3 миллион 698 минг абонентни табиий газ билан таъминлаймиз, — деди Абдубаҳром Абдураҳмонович. — «Ўзтрансгаз» истеъмолчиларга шартномада белгиланган 117,2 миллион кубметр ўрнига бир кеча-кундузда 117,5 миллион кубметр ҳажмда газ етказиб бераяпти. Шунга қарамай, айни қиш кунларида Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Фарғона, Андижон, Наманган вилоятларида ва қисман Самарқанд вилоятида газ танқислиги сезилмоқда. Ҳавонинг кескин совиши муносабати билан хонадонларда газдан меъёридан ортиқ фойдаланиш ҳисобига магистрал газ қувурларида газ босими камайиб кетаяпти. Натижада, Қорақалпоғистонга бир кеча-кундузда белгиланган 10 млн. кубметр ўрнига 8,6 млн. кубметр, Хоразмга 11,1 млн. кубметр ўрнига 8,2 млн. кубметр, Сурхондарёга 3,8 млн. кубметр ўрнига 3,3 миллион кубметр ҳажмда газ етиб бораётир. Нукус шаҳридаги истеъмолчиларимиз шартномада белгиланган 6 килограмм босим ўрнига бор-йўғи 0,8 килограмм босимда, Беруний туманида 6 килограмм ўрнига 0.7 килограмм, Урганчда 9 килограмм ўрнига 3,5 килограмм, Шовотда 10 килограмм ўрнига 3 килограмм, Қўшкўпирда 8 килограмм ўрнига 2 килограмм босимда газ олаяпти, холос. Бу эса истеъмолчиларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаяпти.

Магистраль қувурларимизда газ босимининг бундай пасайиб кетишига сабаб бўлаётган яна бир муаммо борки, бу, табиий газдан яширинча, ўғирлаб, ноқонуний фойдаланиш ҳолатларининг мавжудлигидир. Йил бошидан бери жами 18 мингдан зиёд ноқонуний истеъмолчининг аниқлангани ҳам шундан дарак беради. Шундан 9 мингтаси йиллаб фойдаланаётган газ учун ҳақ тўламай келаётган хонадонлардир. Қолганлари эса табиий газни яширинча, ноқонуний ишлатаётган иссиқхона эгалари, кичик ва ўрта бизнес субъектлари ва сохта тадбиркорлар. Бундай ҳолатлар кўпроқ Самарқанд, Тошкент ва Андижон вилоятлари учун тегишли.

— Уй-жой фондларини газ ўлчагичлар билан таъминлаш — табиий газни тежаш, уни ҳуда-беҳуда ишлатиш сингари нуқсонларга хотима беришда муҳим ўрин тутади, — сўзга қўшилди Маъруф Ҳамидович. — Масалан, сир эмас, ҳаво ҳарорати сал пасайса бўлди, айримлар уй-жойларини иситиш учун газ плиталарини кеча-кундуз ёқилган ҳолда сақлашади. Буларга қарши курашаяпмиз, албатта. Айниқса, Хоразм, Навоий, Сирдарё вилоятларида бу борада ижобий ишлар бўлаяпти. Масалан, Хоразмда ҳозиргача газ ўлчагичларни ўрнатиш 48,2 фоизга бажарилди. Лекин Сурхондарёда атиги 10 фоизга, Андижонда 8,4, Самарқандда 11,1 фоизга уддаланганини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Республика миқёсида оладиган бўлсак 3 миллион 698 мингта уй-жой фондидан 6,42 минг 864 тасида газ ўлчагич мосламалари ўрнатилди. Бу — 17,5 фоизнигина ташкил этади.

**— Ҳақли савол туғилади: истеъмолчиларни табиий газ билан таъминлашни яхшилаш учун нима қилиш керак?**

— Бунинг учун энг аввало ҳамма магистраль газ қувурларида газ босими етарли бўлмоғи зарур. Бунга эришиш учун эса қуйидаги ишларни бажаришимиз лозим:



**Биринчидан:** истеъмолчиларни табиий газ ўлчагичлар билан тўлиқ таъминлаш;

**Иккинчидан:** газ каллак (горелка)ларини газ тармоқларига ўғринча улаш ва ноқонуний истеъмол қилиш ҳолатларига барҳам бериш;

**Учинчидан:** барча газ тақсимлаш шахобчаларида шартномавий босимнинг бўлишини таъминлаш керак.

...Мана, масала ойдин. Бу жавоб, бу шарҳдан сўнг газетхонларимиз қиш мавсумида газ босими нега пасайиб кетаётганлигининг сабаблари, ҳақида маълум таассуротга эга бўлдилар, деб ўйлаймиз.

## ХУЛОСА

Мамлакатимиз Президенти шу йил 16 февралда Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда «**табиий газдан фойдаланиш аҳволини мен мутлақо қониқарсиз, деб ҳисоблайман**», — деганди. Ва ҳозирга қадар табиий газни қазиб олиш, қайта ишлаш ҳамда етказиб беришда сезиларли техник йўқотишларга йўл қўйилаётганлигини, газдан электр энергияси ҳосил қилишдек самарасиз усулдан фойдаланиб келинаётганини, истеъмолчилар, айниқса, саноат корхоналари уни тежам билан ишлатмаётганликларини қаттиқ танқид қилганди. Масалан, газдан қонунсиз фойдаланилаётган, аниқроғи, ўғринча ишлатилаётган биргина теплицалар сонининг ўзиёқ 12 мингдан ортиқ бўлиб, улар асосан Самарқанд, Тошкент, Андижон вилоятларида кўпроқ эканлигини аниқ рақамларда кўрсатиб ўтганди.

Айни пайтда Юртбошимиз ўшанда уй-жой фондини газ ўлчагичлар билан таъминлаш ва уларни истеъмолчилар манзилларига ўрнатиш суръатлари ҳам қониқарсиз бораётганлигини, айрим аҳоли қатламларининг табиий газдан фойдаланиш даражаси меъёрдагига нисбатан ортиқ эканлигини куйиниб гапирганди.

Орадан баҳор, ёз, куз фасллари ўтиб ҳамки тизимда тузукроқ ўзгариш бўлмаганлигини юқоридаги «лавҳа»лар ва мутасадди идоралар вакиллари берган шарҳлар ёрқин кўрсатиб турибди.

■ **Номоз САЪДУЛЛАЕВ, «Ўзбекистон овози» махсус мухбири**

## ТАҲРИРИЯТДАН:

**Газ муаммоси, бу соҳадаги талон-торожлик, ўғрилик ҳолатлари кеча ёки бугун пайдо бўлгани йўқ. Унинг илдизлари шўро замонидаги хўжасизлик, бош-бошдоқлик, мулкнинг эгасизлиги каби иллатларга бориб тақалади.**

**Бугун ер ости ва устидаги бойликларимизнинг ҳаммасига ўзимиз хўжайин, ўзимиз эга, барчаси ўзимизники. Шундай экан, бор мол-мулкимиз, табиий бойликларимизни асрашимиз, тежашимиз, кейинги авлодлар насибасини қиймасдан улардан оқилона фойдаланишимиз керак эмасми?**

**Ҳар бир нарсанинг чеки-чегараси, ҳисоб-китоби бор. Жумладан, табиий газимизнинг ҳам. Бугун йўл қўйилаётган ҳар бир исрофгарчилик жабрини бошқалар эмас, эртага ўзимиз тортамиз, фарзандларимиз тортади. Бу ҳақда Юртбошимиз неча бор жон куйдириб айтган гапларини эслаб кўрайлик.**

**Бу муаммо ҳақида гап кетганда, тўғрисини айтиш керак, айбни фақат масъул идоралардан ахтариш тўғримикин? Халқ мулкига ҳамма баб-баравар, бирдек жавобгар эмасми? Газни ўзимиз ноўрин, палапартиш, беаёв сарфлаб айбни бировдан излаш инсофданми?**

**Бизнингча, бу масалада маҳалла аҳли, оқсоқоллар кенгаши эътибори, иштироки ҳам зарурга ўхшайди. Чунки, ҳар бир яхши-ёмон хатти-ҳаракат маҳалла кўз ўнгида содир бўлади.**

МУЛОҲАЗА

# БЕНЗИНФУРУШЛИКНИНГ ЮКИ ОҒИР



Яхши ният билан кимошди савдоси орқали ёнилғи қуйиш шахобчасини сотиб олиб, чет элликлар билан ҳамкорликда бутунлай қайтадан қурдик. Сармоялаш бўйича зиммамизга олган барча мажбуриятларни адо этдик. Шу жумладан, Тошкентнинг турли жойларидан яна иккита ёнилғи қуйиш шахобчасини сотиб олиб, уларни ҳам замонавий кўринишига келтирдик. Айни пайтда шахсий автомашина эгаларига яхши хизмат кўрсатишга ҳаракат қиляпмиз. Харидорларимиз хурсанд, миннатдорчиликларини изҳор этишмоқда.

Бироқ, ёнилғи қуйиш шахобчаларида ишни маромида олиб бориш, халққа намунали хизмат кўрсатиш борасида қатор муаммолар юзага чиқмоқдаки, бу ишимизга жиддий халал бермоқда. Хусусан, иш бошлаган дастлабки кунданоқ биз Тошкент шаҳар хусусий ёнилғи қуйиш шахобчалари уюшмасига аъзо бўлиб, унинг оёққа туриб олиши ва ишларининг ривожи учун ҳар жиҳатдан ёрдам бериб келдик. Бугунги кунда эса бу идора қатор масалаларда ишимизга тўғаноқ бўлмоқда. У тенг ҳуқуқ асосида ихтиёрий аъзо бўладиган ташкилотдан маъмурий-буйруқбозлик, тўрачилик аппаратига айланиб қолди ва «хе йўқ, бе йўқ» устимиздан ҳукм юритмоқда.

Ёнилғи қуйиш шахобчалари ишини мувофиқлаштириш, уларнинг манфаатини ҳимоя қилиш, йиғилишлар ўтказиш ва долзарб масалаларни муҳокама этиш ўрнига фондни тақсимлаш билангина шуғулланмоқда. Кейинги пайтларда бир қанча сабабларга кўра, айрим шаҳобчалар оғир молиявий аҳволга тушиб қолган. Сир эмаски, нефть базалари баъзида бензиннинг солиштирма оғирлигини ошириб, килограммдан уриб қолиш пайида бўладилар. Уюшма ана шу муҳим масалалар ҳақида бош қотириш ва мавжуд ҳолатни таҳлил қилиш ҳамда ёрдам кўрсатиш ўрнига ўз манфаатини ўйлаш йўлига ўтиб олди.

Дарвоқе, уюшма раҳбари Л.Созанованинг Тошкент шаҳри Жанубий вокзалидан бироз наридаги катта йўл четида жойлашган «Мисс петрол» хусусий шахобчасига бензин биринчи навбатда берилади ва унинг солиштирма оғирлиги рисоладагидек бўлади.

Умуман биз ҳам бошқалар қатори уюшмага ҳар ойда 300 минг сўмлик аъзолик бадалини тўлаб турамиз. Пешона тери билан топилган шунча пулни ўз-ўзидан бериб юбориш осон эмас-ку.

Уюшма йиғилишлари мунтазам ўтказилмайди. Шу боис, биз бундай муносабатдан норози бўлиб, жорий йил 5 сентябрда ўзаро тузилган шартномани бекор қилишга мажбур бўлаётганлигимиз ҳақида уюшмани ёзма равишда огоҳлантирган эдик. Шу пайтга қадар жавоб олмадик. Бунинг ўрнига улар Тошкент шаҳридаги автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчалари фаолиятини ўрганиш ва лицензиялаш бўйича ишчи гуруҳи йиғилишининг 2002 йил 16 августда бўлиб ўтган 7-баёнини йўллашди.

Баёнда қуйидаги жумлалар бор: «Айрим АЁҚШлар раҳбарлари Тошкент шаҳридаги хусусий АЁҚШлар ассоциацияси таркибига кириш масаласи бўйича муносабатларни мувофиқлаштириш тўғрисида огоҳлантирилсинлар. Шу АЁҚШлар бўйича лицензия амал қилинишини тўхтатиш тўғрисида хат йўлласин». Бу мужмал ва айёрона тузилган жумла: «мазкур уюшма таркибига кирмаган ёхуд чиқиб кетган АЁҚШларга бензинни нақд пулга сотиш лицензияси (рухсатнома) берилмайди ва олиб қўйилади», — деган маънони билдирса керак-да! Яна эслатиб қўямиз, уюшма ихтиёрий асосда тузилган бўлиб, унга кириш ёхуд чиқиш ҳам ихтиёрий. Бундай ноқонуний хатти-ҳаракатлар билан улар бизни огоҳлантиришмоқда, пўписа қилишмоқда, шекилли?

Яқинда шаҳардаги АЁҚШларга бериладиган бензин миқдори камайтирилиши маълум қилинди. Уюшма раҳбари бундан тезда хулоса чиқариб, хоҳлаганини қисқартирди, хоҳлаганига тегмади. Масалан, илгари биз кунига 55 тонна атрофида бензин олардик. Энди эса қарийб ярмига қисқартирилган. Қатор бошқа АЁҚШлар «лимит»и камайтирилган бўлса-да, уюшма раҳбари Л.Созанованинг хусусий шахобчаси бундай «қисқартириш»дан мустасно. Ҳамманинг жамғармаси баравар, тенг фоизга камайтирилса, ҳаққоний иш бўлур эди. У ўзининг бундай беписандлиги, манфаатпарастлиги оқибатида бензин таъминотида сунъий танқислик келтириб чиқариши ҳеч гап эмас.

Бензинфурушликнинг юки оғир. Уни ҳамма ҳам кўтара олмайди...

■ **Музаффар ХЎЖАЕВ, «Кей-кей интернешнл» ёнилғи қуйиш корхонаси ҳуқуқшуноси, Тошкент шаҳар адвокатлар коллегиясининг аъзоси.**

ФУТБОЛ

# ОСИЁ КУБОГИ-2004: ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

Маълумки, XIII Осиё чемпионати 2004 йилда Хитойда ўтказилади. Ўтган ҳафта Пекинда қитъа кубогининг саралаш учрашувларига қуръа ташланди. Унга кўра, Ўзбекистон миллий терма жамоаси баҳсларга иккинчи босқичдан қўшилади. Футболчиларимиз «А» гуруҳидан жой олишган. Ҳозирча гуруҳдаги учта жамоа номи маълум: Ўзбекистон, Таиланд, Тожикистон.

Ҳамюртларимизнинг учинчи рақиби 2003 йил 23-30 март кунлари ўтиш босқичи учрашувларидан сўнг маълум бўлади. Қуръага мувофиқ, дастлабки босқичнинг 4-гуруҳида иштирок этадиган Лаос, Сянган, Бангладеш терма жамоаларидан энг кучлиси ҳал қилувчи баҳсларга йўлланма олади.

2004 йилги Осиё кубогининг Ўзбекистон терма жамоаси жой олган «А» гуруҳидаги саралаш ўйинлари тартиби билан танишинг:

**2003 йил, 19-20 август**
Ўзбекистон — Таиланд
**2003 йил 5-6 сентябрь**
Тожикистон — 4-гуруҳ ғолиби
Таиланд — Ўзбекистон
**2003 йил 10-11 сентябрь**
4-гуруҳ ғолиби — Тожикистон
**2003 йил 11-12 октябрь**
Таиланд — 4-гуруҳ ғолиби
Ўзбекистон — Тожикистон
**2003 йил 22-23 октябрь**
4-гуруҳ ғолиби — Таиланд
Тожикистон — Ўзбекистон
**2004 йил 10-11 февраль**
Таиланд — Тожикистон
Ўзбекистон — 4-гуруҳ ғолиби
**2004 йил 18 февраль**
Тожикистон — Таиланд
4-гуруҳ ғолиби — Ўзбекистон

*Эслатиб ўтамиз, гуруҳдаги кучли икки терма жамоа Хитойда ўтадиган Осиё кубогининг финал учрашувларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритади.*

# «ПАХТАКОР»НИНГ ИМКОНИЯТИ ҚАНДАЙ?




Осиё чемпионлари лигаси баҳсларида муваффақиятли иштирок этаётган «Пахтакор» жамоаси навбатдаги босқичга йўлланмани қўлга киритганлигини хабар қилгандик. Энди пахтакорчилар келаси йилнинг март ойида қитъамизнинг кучли ўн беш жамоаси қаторида ОФК таъсис этган 500000 АҚШ доллари миқдоридаги мукофотни қўлга киритиш учун гуруҳ учрашувларида қатнашади. Ҳамюртларимиз қуръага кўра, «Д» гуруҳида «Пирузи»(Эрон), «Ниса»(Туркманистон) ҳамда «Ал-Талаба»(Ироқ) жамоалари билан ҳал қилувчи босқичга йўлланма олиш учун ўзаро куч синашадилар.

11 декабрь куни Куала-Лумпур(Малайзия)да гуруҳ баҳсларига йўлланма олган жамоалар вакиллари йиғилишиб, учрашувларнинг қайси мамлакатда ўтишини аниқлашди. Унга кўра, «Пахтакор» футболчилари гуруҳ ўйинларини Тошкентда ўтказадиган бўлди. Учрашувлар 2003 йил 9-15 март кунлари уюштирилади. Бу қарор пахтакорчиларнинг ҳал қилувчи босқичга чиқиш имкониятини оширади. Чунки, ўз майдонида севимли ишқибозлари қаршисида тўп суриш футболчиларимизни янада чиройли ва ҳужумкор ўйин намойиш этишга ундаши табиий.

Мусобақа низомига мувофиқ, гуруҳ ғолиблигига эришган жамоалар 1-3, 2-4 тизимида ярим финал баҳсларини ўтказишади. Яъни, биринчи гуруҳ ғолиби учинчи, иккинчи гуруҳ ғолиби эса тўртинчи гуруҳнинг кучли жамоаси билан баҳслашади. Ўйинлар уй-сафар тизимида ўтказилади. Ярим финал ғолиблари яна уй-сафар тизимида икки ўйин натижасига кўра Осиё чемпионлари кубоги соҳибини, мағлубиятга учраган жамоалар эса учинчи ўрин соҳибини аниқлашади.

■ **Эркин ХОЛБОБО**




## КОРХОНАЛАР ИШИ ТЎХТАТИЛАДИ

Жанубий Кореянинг «Ренхап» ахборот агентлиги Корея Халқ Демократик Республикаси (Шимолий Корея)нинг расмий баёнотига асосланиб хабар беришича, КХДР ўзининг ядро корхоналари ишини тўхтатишга қарор қилди. Негаки, айнан шуни талаб қилиб Жанубий Корея маъмурияти ёнилғи ресурслари етказиб беришни қисқартирган эди. Буни эса АҚШ ҳам қўллаб-қувватлаган.

## ЯНА БИР ТАШКИЛОТ ТУЗИШНИ ТАКЛИФ ЭТДИ

Оқ уй маъмурияти АҚШ ҳудудида террорчилик ҳаракатлари содир этишга тайёргарлик кўрилаётганлиги ҳақидаги маълумотларни йиғиш бўйича шуғулланувчи яна бир разведка муассасаси ташкил этиш масаласини кўриб чиқиши лозим. Бу ҳақда АҚШ конгрессининг махсус комиссияси маълум қилди, дейилади ИТАР-ТАСС ахборотида. Шунингдек, комиссия миллий разведка директорлиги лавозимини жорий этиш таклифини ҳам илгари сурди. Маълумотларга қараганда, унга нафақат Марказий разведка бошқармаси, шунингдек ҳарбий разведка ҳам бўйсунади.

## ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛДИ

Ироқ ҳукумати Россиянинг «ЛУКойл» нефть компанияси билан тузган Ғарбий Курнадаги жуда катта (бир йилда 30 миллион тонна нефть қазиб олиш мумкин) нефть-газ конини ҳамкорликда қазиш ҳақидаги шартномани бекор қилди.

Ғарб экспертларининг айтишича, мазкур кон Ироқ ҳудудида топилган энг катта конлардан биридир. Уни ишга тушириш учун 1997 йили Россия — Ироқ қўшма корхонаси ташкил этилган эди. Нефть қазиб чиқаришга жалб этиладиган инвестиция «ЛУКойл» мутахассисларининг ҳисоб-китоб қилишларича, 3,7 миллиард доллардан иборат эди.

Ироқ нефть саноати вазири қўл қўйган хат (шартнома бекор қилинганлиги ҳақида) «ЛУКойл» президенти Вагит Алекперовга яқинда Лондонда топширилди, дейилади Reuters ахборотида.

## ДЕПУТАТЛАР МУШТЛАШУВИ

«Новости» ахборот агентлиги берган хабарга кўра, Украина Олий Радаси мажлисида Украина социал-демократик партиясидан сайланган депутат Григорий Суркис билан Юлий Тимошенконинг муҳолифатдаги блоки аъзоси Михаил Волинц ўртасида муштлашув содир бўлди.

Гап шундаки, мухолифат блок тарафдорлари мамлакат президентига қарши чақириқлар ёзилган плакатларни залга осиб қўйишган эди. Суркис жаноблари эса бу плакатларни олиб ташлашга уринган ва натижада... қаттиқ қаршиликка учраган.

Мухолиф блок аъзолари йиртилган плакатларни яна қайтадан осиб қўйишди.

## ОММАВИЙ ЭМЛАШ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

АҚШ Президенти барча америкаликлар ихтиёрий равишда чечакка қарши эмланиши учун имконият яратиш лозимлигини уқтирди. Шу йўл билан биотеррор хавфидан ҳар бир америкалик ўзини муҳофаза этиши мумкин, деди Жорж Буш ABC телеканалида сўзга чиқиб.

Бушнинг гапларига қараганда, биринчи галда АҚШ ҳарбий муассасаларидаги барча ҳарбийлар эмланади. Бундан ташқари тез тиббий ёрдам хизмати ходимлари ҳам икки ҳафта давомида эмланиши лозим. Бу ҳақда Associated Press агентлиги хабар тарқатди.

Аҳолини чечакка қарши оммавий эмлаш ишларини эса тахминан 2004 йилдан бошлаш кўзда тутилмоқда.

ТОКИО КЎЧАЛАРИДА



■ Владимир ПАНОВ олган сурат

## ЖУРНАЛИСТЛАР ТАЛАБИ

Бокуда оммавий ахборот воситалари ходимларининг норозилик митинги бўлиб ўтди. 150 га яқин журналист қатнашган бу митинг Озарбайжон муҳаррирлари уюшмаси ташаббуси билан уюштирилди.

Норозилик митинги қатнашчилари муҳолиф мустақил нашрларнинг янада оммалашуви йўлидаги тўсиқлар олиб ташланишини талаб қилдилар. Бундан ташқари, дейилади «Новости» ахборотида, оммавий ахборот воситаларига ажратилаётган кредитлар миқдори оширилиши, кредит олишда муаммоларнинг кўплиги ҳамда айрим журналистларга тазйиқлар ўтказилиб, улар ҳуқуқлари поймол этилаётганлиги ҳам қаттиқ танқид остига олинди.

## ИМТИЁЗДАН МАҲРУМ ЭТИЛАДИ

Россия транспорт компанияси TIR конвенцияси таркибидан чиқариб юборилишини (шу йил декабрь охиридан) Халқаро йўл транспорти уюшмаси (IRA) раҳбарияти маълум қилди. Шу пайтгача Россия конвенция тизими имтиёзларидан фойдаланиб келарди. Маълумки, TIR конвенциясининг божхона муҳри ва пломбаси урилган юк машиналари конвенцияга аъзо давлатлар чегараларига назорат текширувисиз ўта олади.

IRA раҳбарияти Россияни конвенция қоидаларини бузганликда айбламоқда, яъни уларнинг айтишича, Россияда уюшган жиноятчиликка қарши кураш етарли даражада олиб борилмаяпти. Натижада конвенцияга аъзо давлатларнинг ҳайдовчилари Россия ҳудудида азият чекмоқда.

Энди Россия юк машиналарига «TIR» белгиси берилмайди. Шу сабабли энди улар чегараларда тўлиқ назоратдан ўтказилиши ҳақида Интерфакс хабар тарқатди.

## ИККИ ТОМОНЛАМА ФУҚАРОЛИК

Молдова Президенти Владимир Воронин мамлакат Конституциясига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги ҳужжатга имзо чекди. Унга кўра, бошқа давлат фуқаролигини олиш ҳақидаги тақиқлов бекор қилинди. Шундай қилиб, Молдовада икки томонлама фуқаролик жорий қилинади, дейилади давлат раҳбарининг матбуот котиби Виржил Андреев тарқатган маълумотларга асосланиб берилган ИТАР-ТАСС хабарида.

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

# РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

*ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!*

**2002 йил 19,26 декабрь, 2003 йил 2,9,16 январь кунлари соат 11.00 да республика Биржалар маркази биносида ўтказиладиган аукцион савдоларига эркин муомаладаги валютага сотиладиган қуйидаги объектлар қўйилади:**

1. Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Тошкент халқа йўлининг Сағбон-Охунбобоев қисми, 18-19 километрида жойлашган 106-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (106-АЁҚШ).

**Бошланғич баҳоси — 224100,0 АҚШ доллари**

2. Самарқанд вилояти, Зармитон қўрғонида жойлашган 68-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (68-АЁҚШ).

**Бошланғич баҳоси — 25000,0 АҚШ доллари.**

3. Самарқанд вилояти, Оқдарё тумани, «Самарқанд-Бухоро» автомагистрали бўйида жойлашган 61-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (61-АЁҚШ).

**Бошланғич баҳоси — 35000,0 АҚШ доллари.**

4. Самарқанд вилояти, Нарпай тумани, «Мирбозор» қўрғонида жойлашган 6-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (6-АЁҚШ).

**Бошланғич баҳоси — 61186,0 АҚШ доллари.**

5. Қашқадарё вилояти, Чироқчи тумани, Ф.Хўжаев ширкат хўжалиги, Кўкдала қишлоғи «Қарши-Самарқанд» трассасида жойлашган 18-сонли контейнер туридаги автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (18-КАЁҚШ).

**Бошланғич баҳоси — 10202,0 АҚШ доллари.**

6. Қашқадарё вилояти, Чироқчи тумани, Ф.Хўжаев ширкат хўжалиги, Айритом қишлоғида жойлашган 19-сонли контейнер туридаги автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (19-КАЁҚШ).

**Бошланғич баҳоси — 12608,0 АҚШ доллари.**

7. Қашқадарё вилояти, Деҳқонобод тумани, Кўкбулоқ ширкат хўжалиги, Ғузор қўрғони, Сочтепа қишлоғида жойлашган 32-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (32-АЁҚШ).

**Бошланғич баҳоси — 18000,0 АҚШ доллари.**

8. Наманган вилояти, Уйчи тумани, Қизил Ровот қишлоғи, «Янгиариқ» кўчасида жойлашган 17-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (17-АЁҚШ).

**Бошланғич баҳоси — 27147,0 АҚШ доллари.**

9. Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳрида жойлашган 1-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (1-АЁҚШ).

**Бошланғич баҳоси — 19054,0 АҚШ доллари.**

10. Сирдарё вилояти, Ш.Рашидов туманида жойлашган 10-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (10-АЁҚШ).

**Бошланғич баҳоси — 20657,0 АҚШ доллари.**

11. Қорақалпоғистон Республикаси, Чимбой шаҳрида жойлашган 54-сонли контейнер туридаги автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (54-КАЁҚШ).

**Бошланғич баҳоси — 28350,0 АҚШ доллари.**

12. Қорақалпоғистон Республикаси, Мўйноқ шаҳрида жойлашган контейнер туридаги автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (КАЁҚШ).

**Бошланғич баҳоси — 26691,0 АҚШ доллари.**

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Имкониятингизни бой берманг!

**Савдоларда қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида гаров пули тўлаши шарт.**

**Харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади.**

Ушбу объектларга қизиқиши бор хорижлик сармоядорлар, ишбилармон юртдошларимиз республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин.

***Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, республика Биржалар маркази биноси, 3-қават, 44-хона, республика Кўчмас мулк биржаси. Маълумот учун телефонлар: 136-26-26, 136-28-75. Факс: 136-06-17. www.uzrkmb.com***

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

## РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ

**2,4 декабрь кунлари ўтказилган биржа савдоларида**

1 та кўчмас мулк — 12 000 000 сўмга,

9 та автотранспорт воситаси — 1 560 000 сўмга сотилди.

**Жами савдо натижалари: 13 560 000 сўм**

*Ҳафтанинг ҳар душанба, сешанба, чоршанба кунлари биржа савдоларини ўтказади*

***Мурожаат учун манзил:*** *Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй.*

***Телефонлар:*** *144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.*

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

***ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!***

## РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ

**2003 йил 17,24,31 январь ва 7 февраль кунлари кимошди савдоларини ўтказади**

Савдога Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, Сирғали даҳаси, лойиҳадаги Г-64,0 м ва Г-38,0 м кўчаларида жойлашган, ҳар бирининг сатхи 0,04 га, бошланғич нархи — 640 000 сўмдан бўлган, 19,36,47,48,49,68,70,73-сонли якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган ер майдонлари ҳамда Шайхонтоҳур тумани коммунал фойдаланиш бошқармасига қарашли бўлган Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Беруний кўчаси, 617-уйда жойлашган, бошланғич нархи — 13 482 000 сўм ёки 17 975 АҚШ доллари бўлган «Таъмир қурилиш бўлими» шўъба корхонаси қўйилади.

Кимошди савдоларига ер майдонлари учун аризалар савдодан уч кун аввал, бошқа объектлар учун савдодан бир соат аввал тўхтатилади.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-А уй.

***Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй. Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.***

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

## РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ ВА ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ

Ҳафтанинг душанба, чоршанба, жума кунлари бўлиб ўтадиган биржа савдоларига «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компаниясига қарашли Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Туркистон кўчаси, 7-уйда жойлашган «ЛОКОМОТИВ» меҳмонхонаси (мулкий мажмуа сифатида) савдога қўйилганлигини маълум қилади.

**Бошланғич баҳоси — 448 570 300 сўм ёки 651 992 АҚШ доллари**

| | |
|---|---|
| Ишга туширилган йил | 1978 |
| Капитал қурилганлиги даражаси | I |
| Қурилиш майдони кв.м. | 1906 |
| Баландлиги, м | 31 м (1-қават — 4 м., 2-қават — 2,80 м., 3-8-қават ва техник иншоотлари — 2,70 м., ер- тўла — 5,30 м.), идора биноси — 4,35 м. |
| Фундамент ва цоколь | Темирбетон |
| Деворлари | Темирбетон |
| Томи | Юмшоқ, рулонлик |
| Поллари | Бетон, паркет |
| Ромлари | Икки тавақалик |
| Жилови | Шувоқланган, оқланган, бўёқланган |

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани. А.Қодирий кўчаси, 13-уй. Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.**

# СЕРЖИЛО ТАФАККУР ДУРДОНАЛАРИДАН*

**ЖАН РОБИНЭ – ФРАНЦУЗ ФАЙЛАСУФИ. 1735 – 1820 ЙИЛЛАРДА ЯШАГАН:**

- Муқаррар қонун шундайки, хато ҳамиша ҳақиқат ортидан юради.
- Яхшилик ва ёмонлик дунёда бир хил миқдорда бўладилар.
- Яхшиликка эришиб, биз унинг ортидан келадиган, янги ёмонликни ҳам қабул қиламиз.
- Агар сизнинг ундан нафратланадиган душманингиз бўлса, унга жўшқин ҳузур-ҳаловат, улуғворлик шукуҳи, кўплаб ёш ва гўзал ўйнашлар, каттакон бойлик, чекланмаган ҳокимият тиланг, – тиланг, ва сиз унинг мусибатларнинг оғир юки остида қандай ҳалок бўлганлигини кўрасиз.
- Унга қарши баҳс юритилмаган ва уни қанча усуллар билан рад этган бўлсалар, шунча усуллар билан исботланмаган биронта ҳам ҳақиқат йўқ.
- Сиёсий жамиятнинг дастлабки негизларига ер майдонини ўраб олиб, ғазаб ила: *бу меники, унга ҳеч ким тегмасин*, деб хитоб қилган на кучли ёввойи одам; на айёрлик билан ўғирлаган нарсани зўравон тортиб олиши мумкинлигини сезиб, унинг ўзи томонидан жабрланган одамларни унинг ғайриадолатий даъволарини қўллаб-қувватлашларига ишонтиришни истаган маккор сиёсатчи; ва на бутун инсон зотини ўз шахсий манфаати йўлида азоб-уқубат, қуллик ва қашшоқликка маҳкум этишни ният қилган шуҳратпараст асос солган. У донишманд бўлган...

**НИКОЛА ШАМФОР – ФРАНЦУЗ МУТАФАККИРИ. 1741 – 1794 ЙИЛЛАРДА ЯШАГАН:**

- Андишали нафратни қувноқликнинг аччиқ кинояси билан қўшиб олиб бориш – мана бу дунё учун яхши фалсафа.
- Агар одамлар ўзларида эзгуликка муҳаббат ва жамоатчилик фикрига бепарволик, меҳнатга иштиёқ ва шон-шуҳратга лоқайдлик каби қарама-қарши хусусиятларни мужассамлаштирганларида эди, жуда яхши бўлган бўларди.
- Жамоатчилик фикридан ярамасроқ фикр бўлмайдиган пайтлар бўлиб туради.
- Жамоатчилик фикри, бу – виждонли одамга на унинг ҳукмларига кўр-кўрона ишониш, на уларни тамомила рад этиш ярашмайдиган, суд босқичининг бир туридир.
- Мана, масхара ва ҳазил санъатида амал қилиш лозим бўлган, ажойиб қоида: шундай кулмоқ ва ҳазил қилмоқ керакки, токи мазах қилинган кишининг жаҳли чиқмасин; акс ҳолда, ҳазилни чиқмади, деб ҳисобланг.
- Тарбия иккита негизга таянмоғи лозим – ахлоқ ва ақл билан иш қилмоқ: биринчиси эзгуликни қўллаб-қувватлайди, иккинчиси бегона нуқсонлардан муҳофаза қилади. Агар таянч фақат ахлоқ бўладиган бўлса, сиз лақма ёки жафокашларни, агар фақат ақл билан иш қилиш бўлса – биргина эҳтиёткор худбинларни тарбиялайсиз.
- Эътиқод, бу – ақлнинг виждони.
- Ким ортиқча зўр бериб ишонтирмоқчи бўлса, у ҳеч кимни ишонтира олмайди.
- Кишининг кўп ҳолларда ўз валинеъматига нисбатан ҳис этадиган туйғуси унинг тиш суғурувчига миннатдорчилигини эслатади. У ўзига айтадики, унга яхшилик қилдилар, оғриқдан фориғ этдилар, бироқ, шу заҳотиёқ буни оғриқли бўлганлигини эслайди ва энди ўз халоскорига алоҳида меҳр ҳис этмайди.
- Олижаноб иш учун бизга бирор нарса берганларида, уни биздан тортиб оладилар.
- Одамларнинг улар кимга яхшилик қилган бўлсалар, шуларга боғланиб қолишлари эътироф этилган нарса ҳисобланади. Бу табиатнинг яхшилигидан далолат беради: севиш қобилияти – мана яхши иш учун арзийдиган чинакам мукофот.
- Ёлғизликда, жамоатдагига қараганда биз бахтиёрроқмиз. Бу ёлғиз қолганимизда жонсиз буюмлар, жамоатда эса – одамлар ҳақида ўйлашимиз туфайли эмасмикан?
- Лоқайд кузатувчанлик ҳаёти кўпинча жуда нохуш. Кўпроқ ҳаракат қилмоқ, камроқ ўйламоқ ва ўз ҳаётининг четда турган гувоҳи бўлмаслик лозим.
- Ўта каттакон фазилатлар, баъзан, кишини жамият учун яроқсиз қилиб қўяди: бозорга олтин қуймалари билан бормайдилар – у ерда майда пул, хусусан, танга-чақа керак.
- Манманлик – заиф ва беадаб табиатли кишиларнинг хусусияти бўлса, оқилона худбинлик тамомила бинойи одамларга хосдир.
- Бағрикенглик, бу – олижаноб қалбнинг раҳм-шафқатидан ўзга нарса эмас.
- Бемулоҳаза одамлар оқиллардан кўп ва, ҳатто, оқил кишида бемулоҳазалилик, донoликка қараганда, кўпроқ.
- Муҳаббат чинакам баркамолликларни изламайди, ундан ҳам кўпроқ, у улардан қўрқадигандай: унга унинг ўзи яратадиган ва ўйлаб чиқарадиган баркамолликларгина керакдирлар. Бунда у қиролларга ўхшаб кетади: улар кимни улуғлаган бўлсалар, ўшаларни улкан, деб биладилар.
- Ўз душманини ёмон кўриш учун одамда ақл етарли бўлмоғи зарур.
- Аҳмоқлик, агар у ақлдан қўрқмаса, чинакам аҳмоқлик бўлмас эди.

*(Давоми келгуси сонда).*

**■ Русчадан Муҳаммад РАҲИМ ўғли таржимаси**

**Рукн газетанинг 2001 йил 27 октябрдаги сонидан бошлаб берилмоқда.*


**РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!**

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

**2002 йил 26,27 декабрь кунлари Навоий шаҳрида соат 15.00 да Давлат мулки қўмитасининг Навоий вилояти худудий бошқармаси мажлислар залида бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги мулклар қўйилади:**

2002 йил 9,10,12 декабрь кунлари Навоий шаҳрида ўтказилган кимошди савдоларига қўйилган Навоий шаҳар «Умид» даҳасидан уй-жой қуриш учун 10 дона, ҳар бири 600,0 кв.м.дан иборат ер майдонлари 2002 йил 26,27 декабрь кунлари ўтказилиши режалаштирилган кимошди савдосига қўйилади.

**Ҳар бир ер майдонининг бошланғич баҳоси – 821000 сўм.**

Савдоларга қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи микдорида гаров пули тўлаши шарт.

Харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдодан 3 кун олдин тўхтатилади.

Ушбу объектларга қизиқиши бор шахслардан республика Кўчмас мулк биржасининг Навоий вилояти филиалига мурожаат қилишларини сўраймиз.

**Қўшимча маълумотлар олиш учун манзил:**
**Навоий шаҳри, П. Очилов кўчаси, 24-уй.**
**Тел: (436) 224-15-61, 224-64-31.**


**ИНСОН ХОТИРАСИ — АЗИЗ**

# ҲАМ ЖУРНАЛИСТ, ҲАМ ОЛИМ ЭДИ

**Журналистика — игна билан қудуқ қазишдай машаққатли касб. Уни чин фидойи инсонларгина бошқара олади. Халқ, юрт, миллат манфаатига қайғураётган жонкуяр ҳамкасбларимиз ҳақида кўп сўз юритамиз. Лекин, кўпчилик юртимизда журналистика соҳасининг шаклланишига ўзининг бутун куч ва маҳоратини, керак бўлса, қалб қўрини бағишлаган фидойи инсон ҳақида кам эшитган бўлса керак.**

Профессор Тўғон Эрназаров ўттиз йил давомида бор истеъдоди, билими ва педагогик маҳоратини шогирдларига тенг улашиб келган камтарин, заҳматкаш, бағрикенг инсон эди. Университет у киши учун устозу мураббийлар, шогирдлар ва талабалар ўртасидаги бетакрор, жўшқин муносабатлар ҳукм сурган зиё маскани эди.

Тўғон Эрназаров 1922 йилда Тошкентда деҳқон оиласида туғилиб, вояга етди. Мактабда, ўқувчилар орасида илк ҳаёт сабоқларини олди. Ёшликданоқ ҳамма нарсага қизиқувчан, зийрак, ғайратли бўлгани учун ёшлар газеталарида, Тошкент радиосида ранг-баранг материаллари билан қатнаша бошлади. Болалар ҳаётини акс эттирувчи илк асарлари мактаб саҳнасида қўйилиб, кўпчиликнинг меҳрига сазовор бўлди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Тўғон Эрназаров ўзбек тилида чиқиб турган фронт газеталарида мухбирлик қилди. Унинг шеър, ҳикоя, очерк, баллада, ихчам қиссалари жангчилар ўртасида қўлма-қўл бўлиб кетар эди.

Урушдан кейин ёшлар газетаси, «Ўзбекистон овози» (ўша пайтлардаги «Қизил Ўзбекистон») газетасида масъул котиб вазифасида ишлади. Айни вақтда Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг журналистика кафедрасида ўқитувчилик қилди.

Тўғон Эрназаров ижодий фаолият билан биргаликда илм заҳматларини ҳам зиммасига олди. Иқтидорли олим 1965 йилда докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади. 1967 йилдан бошлаб унинг университетдаги қизғин фаолияти бошланди. Журналистика факультети декани лавозимига сайланди. Матбуот назарияси ва амалиёти, журналистика тарихи кафедраларини бошқарди. Ўттиздан ортиқ ёш олимлар унинг раҳбарлигида диссертация ёқлади. Унинг юзлаб шогирдлари нафақат Ўзбекистонда, балки яқин ва узоқ хорижий мамлакатлардаги оммавий ахборот воситаларида жўшқин ва самарали меҳнат қилмоқдалар.

Тўғон Эрназаров Ўзбекистонда биринчи бўлиб журналистика фанининг алломаси даражасига кўтарилган, шу соҳанинг биринчи фан доктори, биринчи профессори эди. У республикамизда журналистиканинг шаклланиши ва тараққиётини чуқур тадқиқ этди. Оммавий ахборот воситалари тарихига оид илк дарсликлар яратишга киришди.

Олимнинг миллий матбуотимиз тарихи, унинг ривожи ва равнақига бағишланган монографиялари, дарсликлари мутахассислар томонидан ижобий баҳоланган. Устоз Тўғон Эрназаровдан шогирдларига фидойилик, ҳалоллик, инсонга меҳр-оқибат, жамоат ишларида фаоллик, ўрганса арзийдиган мураббийлик фазилатлари билан бирга «Туркистонда вақтли матбуот», «Эллик йил сафда», «Ўзбекистонда халқ матбуотининг равнақи», «Жангчи қалби», «Европа бўйлаб» каби монография ва китоблари, шогирди А.Акбаров ҳамкорлигида яратилган «Туркистон матбуоти тарихи», «Ўзбекистон матбуоти тарихи» дарсликлари мерос бўлиб қолди.

Устоз журналистлар сулоласига асос солди. Унинг фарзандлари, невaралари ҳам ота изидан бориб, журналистлик касбини эгалладилар.

Шогирд, талабаларга отадек меҳрибон, дилкаш инсон, пиру устоз ҳаёт бўлганларида қутлуғ 80 ёшларини оила аъзолари, қариндош-уруғлари, ҳамкасблари, шогирдлари даврасида нишонлаган бўлардилар. «Яхшидан боғ қолади», дейди халқимиз. Журналистларнинг миннатдор авлоди у зотнинг табаррук номини эҳтиром билан тилга олмоқда.

**■ Мирза Анвар КАРИМОВ, тарих фанлари номзоди, доцент**

# ЭНГ ЯХШИ СУРАТЛАР КЎРГАЗМАСИ

Тошкент фото уйида «Азиз қарияларимиз» I халқаро бадиий фотография танловида намойиш этилган энг яхши тўрт юз сурат кўргазмаси давом этмоқда. Ушбу суратлар 16 мамлакатдан келган икки юзга яқин моҳир сураткашларнинг мингдан зиёд асарлари ичидан танлаб олинган.

Танлов ғолиблари билан бир қаторда энг яхши деб топилган 200 та сурат кўргазма каталогига киритилади.

Маълумки, ўтказилган танловда француз фото устаси Жан-Кристоф Бешенинг «Менинг бувим — йиллар оша» мавзуидаги туркум фотосуратлари олий совринни қўлга киритди. Юртдошларимиз Михаил Головачев, Геннадий Камаев ва Леонид Кудрейко асарлари ҳам танлов мукофотлари билан тақдирланди.

**■ «Жаҳон» АА**

**САНЪАТ ОЛАМИДА**

# ЎЗ ОВОЗИ БОР УНИНГ

Истеъдодли хонанда Акмал Саидов болалигидаёқ бетакрор овоз соҳиби, марҳум санъаткор Ботир Зокиров қўшиқларини тинглаб улғайди. Тақдирни қарангки, ўтган йили Тошкентдаги мусиқали комедия (Оперетта) театри ва Ҳадра майдонидаги Ўзбекистон миллий академик драма театрида саҳнага қўйилган «Араб тангоси» спектаклида Ботир Зокиров сиймосида санъаткор қўшиқларини куйлаш Акмал Саидовга насиб этди:

**...Раънолар ичра барно,**
**Раъно,**
**Гулмисан, гулёрмисан,**
**Ошиққа дилдормисан —**
**Ҳамма гуллардан аъло**
**Раъно.., Раъно...**

Умри боқий (марҳум дейишга тил бормайди!) санъаткорнинг ўшанда «Газли гўзали», «Араб тангоси», «Раъно», «Ёр кел», «Сўнмас севги» қўшиқлари маромига етказиб ижро этилганлиги томошабинларда илиқ таассурот қолдирди. Ёш санъаткорнинг бу ижодий ютуғи муносиб тақдирланиб, «Йилнинг энг умидли актёри» (2001 йил) номинацияси бўйича ғолиб деб топилди.



Акмалжон илк устози сифатида ўз онаси — мактаб ўқитувчиси Шарофат опани эътироф этади. Сўнгра Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтининг хор дирижёрлиги йўналиши бўйича таҳсил олган кезларидаги мураббийси Шарофат Саидова (ўхшашликни қаранг: устози ва онаси — ҳам исмдош, ҳам фамилиядош!) дан бир умр миннатдор. Олийгоҳни битиргач, ёш хонанда «Оперетта» театрига ишга таклиф қилинди. Бу ерда у кўп йиллар Ботир Зокиров билан ҳамкорликда ишлаган М.Хачатуровдан эстрада санъати сир-асрорларини қунт билан ўрганди.

Ботир Зокиров сиймосида буюк санъаткор қўшиқларини илк бор томошабинларга намойиш этган Акмал Саидов саҳнадаги ўз ҳолатини шундай хотирлайди:

— Ҳар бир хонанда саҳнага чиққанда ўзига тикилиб турган минглаб нигоҳлардан ҳаяжонланади, албатта... Биласизми, агар ўзинг яратган қўшиқ бўлса дадилроқ бўласан, аммо буюк санъаткорнинг қўшиғини куйлаш унга икки ҳисса масъулият юкларкан. Гарчи устоз ҳаёт бўлмаса-да, мен у кишининг овози оҳангларидан илҳом ва қувват оламан. Бу — боқий умрли санъаткорнинг қўшиқлари ҳам боқийлиги илҳоми, қуввати бўлса керак... Ўз қўшиқларимга ҳам эга бўлишни истайман. Ҳозир бир нечта қўшиқлар яратдим. Баҳосини томошабинлар беришар...

Устоз меросидан баҳра олиб, ўз услуби ва овозига эга бўлишга интилаётган иқтидорли санъаткор Акмал Саидовнинг орзулари чексиз.

**■ Робия ХУДОЙБЕРДИЕВА**


**«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 99-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ**

**Чипталар, жадвал охиридан бошлаб, халтадан чиқмаган рақамлар бўйича текширилади. Ана шундай рақамдан бирoнтасининг чиптада мавжудлиги уни ютуқсизга айлантиради. Агар халтадан чиқмаган барча рақамлар чиптада мавжуд бўлса, унда ушбу чипта қўшимча турда ютуқли ҳисобланади. Сўнгра чипта сериясининг 1, 2, 3, 4 ва 5-турларда тўғри келиши текширилади. 6-турдан бошлаб мазкур турдаги рақамнинг чиптадаги мавжудлиги текширилади.**

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 ТУР | 31 | Чипта | 70016120.3 | 55 | Чипталар | Чипталар | Сони: 4 | 15 ТУР |
| 82 | 32 | рақами | 4 ТУР | 36 | рақами | рақами | Сумма: | 81 |
| 72 | 86 | 70010929.2 | 47 | 49 | 10028174.1 | 20013935.3 | 2000 | Сони: 22 |
| 66 | 14 | 3 ТУР | 1 | 23 | 20005423.2 | 40001682.2 | 12 ТУР | Сумма: 1600 |
| 24 | 8 | 50 | 64 | 28 | 6 ТУР | 70032457.2 | 40 | 16 ТУР |
| 83 | 90 | 29 | 21 | 51 | 88 | 8 ТУР | Сони: 6 | 3 |
| 68 | 80 | 74 | 52 | Сони: 2 | 5 | 22 | Сумма: | Сони: 17 |
| 7 | 59 | 75 | 56 | Сумма: | Сони: 2 | Сони: 3 | 1900 | Сумма: 1500 |
| 45 | 57 | 10 | 69 | 3500000 | Видеомаг- | Сумма: 5000 | 13 ТУР | 17 ТУР |
| 15 | 38 | 37 | 48 | Чипталар | нитофон | 9 ТУР | 9 | 60 |
| Сони: 1 | 71 | 73 | 25 | рақами | Чипталар | 84 | Сони: 6 | Сони: 29 |
| Телевизор | 26 | 78 | 70 | 10039523.3 | рақами | Сони: 4 | Сумма: | Сумма: 1400 |
| Чипта | 20 | 43 | 18 | 40020851.2 | 50037684.3 | Сумма: 4000 | 1900 | 18 ТУР |
| рақами | 27 | Сони: 2 | 13 | 5 ТУР | 80017124.2 | 10 ТУР | 14 ТУР | 85 |
| 60010667.2 | 77 | Сумма: | 79 | 46 | 7 ТУР | 54 | 62 | Сони: 73 |
| 2 ТУР | 34 | 3500000 | 53 | 2 | 17 | Сони: 5 | Сони: 9 | Сумма: 1300 |
| 11 | 4 | Чипталар | 42 | 76 | Сони: 3 | Сумма: 3000 | Сумма: | 19 ТУР |
| 44 | Сони: 1 | рақами | 63 | Сони: 2 | Видеомаг- | 11 ТУР | 1700 | 30 |
| 19 | Телевизор | 30029396.1 | 41 | Видеомаг- | нитофон | 61 | | Сони: 113 |
| | | | | нитофон | | | | Сумма: 1200 |

20 ТУР
16
Сони: 162
Сумма: 1100
21 ТУР
33
Сони: 276
Сумма: 1000
22 ТУР
39
Сони: 363
Сумма: 900
23 ТУР
35
Сони: 544
Сумма: 900
24 ТУР
65
Сони: 964
Сумма: 900
Қўшимча тур
Сони: 25
Сумма: 900
Халтадан чиқмаган шарлар:
6,
12,
58,
67,
87,
89

**"Яхши Ният" телевизион уй-жой пул-буюм лотереясининг 2002 йил 19 декабрдаги 100-тиражида ўйналадиган супер-ютуқлар:**




"ЯХШИ НИЯТ" телелотереяси чипталарини газета дўконларидан ва чипта тарқатувчилардан олиш мумкин.

"ЯХШИ НИЯТ" телелотереясининг ўйинлари ҳар ҳафтанинг пайшанба куни соат 18.30 да ЎзТВнинг 1-канали орқали намойиш этилади.

Ютуқлар ҳар чоршанба соат 14.00 дан кейин ютуқли чипта кўрсатилган заҳоти "Лаура" ХФ сида берилади. Манзил: Тошкент шаҳри, Шевченко кучаси, 8 уй. Мўлжал: "Украинка" дўкони. Тел: 8(3712) 56-25-54, 56-26-60.

Пул ютуқлари Миробод тумани Халқ банки бўлимлари ҳамда "Лаура" ХФсида ва чипта тарқатувчилар томонидан берилади.

*Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2000 йил 27 октябрдаги 400-сонли лицензияси.*


# ЁШ ПИАНИНОЧИЛАР ЮТУҒИ

Қадимги Эллада пойтахти — Афина шаҳрида Греция Маданият вазирлиги томонидан ташкиллаштирилган пианиночиларнинг VIII халқаро «Konzerteum-2002» танлови бўлиб ўтди. Унда ўттиздан зиёд мамлакатнинг еттидан ўттиз олти ёшгача бўлган вакиллари иштирок этди.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» ҳомийлиги ҳамда Ўзбекистон Маданият вазирлиги ва мамлакатимизнинг Грециядаги Бош консуллигининг қўллаб-қувватлаши туфайли Успенский номидаги Республика мактаб-интернатининг ёш пианиночилари Нонна Гудаева ва Аброр Раҳматов ушбу танловда иштирок этдилар. Эндигина 9-10 ёшга кирган мазкур ўқувчиларнинг ижро этиш маҳоратлари жюри томонидан муносиб равишда баҳоланди: Нонна Гудаева иккинчи мукофот соҳибаси бўлган бўлса, Аброр Раҳматов учинчи ўринни олди. Буюк классик ва замонавий композиторлар асарлари ижро этилган ушбу танлов дастурининг мураккаблигини инобатга олсак, вакилларимиз ютуқларини муҳим деб ҳисоблашимиз мумкин.

**■ «Жаҳон» АА**

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги хусусий «Бекиёс» хизмат савдо фирмасининг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент Молия институти қошидаги «Молия академик лицейи» жамоаси лицей ҳисобчиси Зокир Очиловга укаси

**Ўткир ОЧИЛОВ**нинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия ва ҳамдардлик билдиради.


BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
Tolepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 133-44-55
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KOCHASI, 32-UY.

Navbatchi
Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV

Gazeta «Ozbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1068
10476 nusxada bosildi
uzb ovozi@sarkor.uz.
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.00
1 2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA